

ДАРСЛИКЛАРДА МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ БЕРИЛИШИ ВА ДАРСЛИК ТАҲЛИЛИ МЕЗОНЛАРИ

Пазилжанова Зулфия Сабиржановна
Қўқон давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

CRITERIA FOR THE PRESENTATION OF MATERIALS FOR INTERCULTURAL DIALOGUE AND TEXTBOOK ANALYSIS IN TEXTBOOKS

Pazilzhanova Zulfiya Sabirzhanovna
He is a senior lecturer at the Kokand State Pedagogical Institute

Abstract:

Textbook analysis in the field of intercultural communication competence in German as a foreign language has become a topical issue. Dialogue with modern globalization and the resulting cultures is increasingly finding its way to foreign language lessons. Intercultural competence is making new demands not only on language and linguistic differences in recent times, but also on foreign language lessons, including textbooks, which focus more on intercultural differences.

Keyword:

Textbook, foreign language, language and linguistic differences, intercultural

Немис тили хорижий тил сифатида дарсида маданиятлараро мулоқот компетенцияси соҳасидаги дарслик таҳлили ҳозирги кунга келиб долзарб масалага айланди. Замонавий глобаллашув ва бунинг натижасида келиб чиққан маданиятлараро мулоқот хорижий тил дарсига тобора кўпроқ йўл топмоқда. Маданиятлараро компетенция сўнги пайтларда нафақат тиллар ва лисоний тафовутлар билан шуғулланадиган, балки ўз диққатини маданиятлараро тафовутларга кўпроқ қаратаётган хорижий тил дарси олдига, жумладан, дарсликлар олдига ҳам янги талабларни қўймоқда.

Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб дарсликларда кўпроқ маданиятлараро ўқитиш ва ўрганиш мавзулари берилди бошлади. Албатта мамлакатшунослик соҳасида долзарблик муаммоларига жуда кўп дуч келиш мумкин, чунки дарсликлар қисқа муддатта мослаша олмасликлари мумкин. Бу ерда муқобил сифатида интернет материалига мурожаат қилиш яхши самара беради. Бироқ интернет манбаларида аксар ҳолларда анъанавий дарсликлардан фарқли равишда шаффофлик ва ишончлилик етишмайди ҳамда бу манбалар таълимий, дидактик-методик талабларга жавоб бермайди. Шу сабабли немис тилини хорижий тил сифатида ўргатиш учун яратилган дарсликлар аутентик материал билан дидактик танланган материал ўртасида восита вазифасини бажаради.

Бу ерда дарс анъанавий маданий-қиёсий мамлакатшунослик соҳасидан узоқлашади. Гап хорижий тил дарсига тобора кўпроқ йўл топаётган бегоналарни тушуниш дидактикаси ҳақида боради. Бунда маданиятлараро таълим билан тил кўникмаларига ўргатиш ўртасидаги боғлиқлик тобора кўпроқ намоён бўлмоқда.

Немис методисти Торманнинг таъкидлашича, тил ва маданиятни бир-бирдан ажратиш бўлмайди ва шунинг учун ҳам интеграл ўрганилиши ва ўргатилиши керак. Бунда гап шу ҳақда борадики, ўрганувчиларга бир томондан муайян тил компетенциясини ўзлаштириш, иккинчи томондан эса суҳбатдошига мос тарзда мулоқотга киришиш учун маълум маданий компетенцияга эришишга дарс орқали имкон яратиш керак. Шундан

келиб чиқиб, дарсликнинг вазифаси тил билимларини аутентик мавзулар орқали улашиш ва шу орқали амалий билим беришдан иборатдир.

Бундан ташқари, “бегона маданиятни тушуниш ўқув жараёнида шакллантирилиши керак бўлган қобилиятдир”. Дарсликлар нафақат тил қурилишини ўргатиши, балки лисоний ва нолисоний хулқ-атвор ҳамда маданият ҳақида тушунча бериши ҳам керак.

Маданиятлараро тил компетенцияси ўқиш ва ўқитиш мақсади сифатида хорижий тил дарсига тобора кўпроқ кириб келмоқда. Бундан куйидаги масалалар келиб чиқади: маданиятлараро компетенциянинг замонавий немис тили дарсидаги ўрнини ўрганиш зарурати; маданиятлараро мулоқотнинг шу соҳаси бўйича интенсивроқ ва чуқурроқ ишлашга етарли таклиф ва стимулнинг борлиги; дарслик маданиятлараро ўрганиш ва ўргатиш учун бирор асос ёки платформа таклиф қила олиши; метакоммуникатив мулоқот жараёнлари учун иборалар ва стратегияларни кўрсата олиши; маданиятлараро бегоналарни тушуниш учун хабардорликни ошириш ва тарғиб қилишга хизмат қилувчи топширик, машқ ва матнларнинг мавжудлиги.

Хорижий тил дарсида маданиятлараро мулоқот бир вақтнинг ўзида 4 та даражада бўлиб ўтади: дарслик/ўқув материали билан ўқувчи/ўқитувчи ўртасида, турли маданиятлардан келиб чиққан ўрганувчилар ўртасида, ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасида ҳамда гуруҳ ва бошқа бегона маданият ўртасида.

Дарсликнинг ролига келсак, Полицер ва Вайсснинг фикрича, муваффақиятли чет тил ўқитувчиси эркин жавоблар учун кўп имконият яратади, кўпгина кўрғазмаларни қуроллардан фойдаланади, машқ шакллари тез-тез ўзгартиради ва китобдаги дастурга қаттиқ ёпишиб олмайди. Тадқиқотлардан аниқланишича, ўқитувчилар фақат камдан-кам ҳолларда дарсликлардаги маълумотлардан четга чиқишар экан. Ўқитувчи ва дарслик доминантлиги дарс жараёнига салбий таъсир қилади. Шунга қарамадан, мактаб ва олий ўқув юртидаги хорижий тил дарсида ўқитувчига унинг ишини кўллаб-қувватлайдиган дарслик керак. Бироқ дарс материалларини режалаштираётганда унинг таркибида аутентик элементлар (масалан, матн ва расмлар) нинг борлигига ва шу материал айтилган пайтда долзарб эканлигига аҳамият бериш керак. Дарслик таркибига шубҳасиз нисбий элементларни киритиш керак, чунки улар маданиятлараро жараёнда ва ўрганувчиларнинг шахсий ривожланишида марказий ўринда туради. Йли-Ренко ва унинг аввалги тадқиқотларида талабалар ва катта ёшли тил ўрганувчилар чет тилида яхши гапиролмаслигидан шикоят қилишган. Бунга сабаб қилиб мактабдаги дарс гапиришга мўлжалланмаганлигини айтишган. Унда асосий урғу грамматикага берилган. Бу муаммони бартараф қилиш учун эса маданиятга боғлиқ бўлган тил шакллари топиш керак. Агар талабалар маданий тафовутларни таниб олсалар, уларга ўзларининг маданиятга боғлиқ хатти-ҳаракатларини тушуниш ҳамда шу тафовутларга муносиб ошқора ва толерант хулқ-атворни шакллантириш осон бўлади. Улар бошқа маданиятларнинг кадрият ва урф-одатларини ҳурмат қилишни ўрганадилар. Бу жараён узок давом этади, лекин иложи борича эрта бошланиши керак.

Йозеф Герингхаузен ва Петер С. Зеелларнинг ёзишича, “ҳар бир хорижий тил дарсида доим онгли тарздами, ташкилланганми ёки англамасданми онг остида маданиятлараро мулоқот жараёни содир бўлади”. Янги дарсликлар орқали бу жараёнлар ўқитувчи ва ўқувчилар онгига янада сингиб боради. Мюллер бу ўқув мақсадларини маданиятлараро мулоқот асослари ва механизмларидан хабардорликни ўқув материали таҳлили мезонлари шаклида куйидагича тасвирлайди:

а) маданиятлараро мулоқот вазиятлари тасвири: масалан, танишув расм-русумлари ва шу каби диалоглар орқали типик маданиятлараро мулоқот мавзулари ва удумлари акс эттириш объектига айланттилиши керак.

б) маънонинг маданий шаклланган бирлигини тасвирлаш: аниқ, мавҳум отларнинг, нутқ ҳаракатларининг маънолари маданиятга хос шаклланган бўлиши зарур. Дарсликларда маънолар қиёсий тасвирланиши керак эмас, балки бир қанча жиҳатлар, жумладан хорижий тил жиҳатлари ҳам инобатга олинishi керак. Маъно бирликлари нафақат билимлар блоки тарзида тасвирланиши ва нутқ воситалари ёрдамида жиҳозланиши, балки ўрганувчилар

томонидан қўлланмага мувофиқ маданий-специфик ва маданиятга уйғун тарзда ёритилиши керак.

в) маданиятлараро мулоқотдаги тушунмовчиликларни тасвирлаш: маданиятлараро тушунмовчиликларни ёритиш учун асос бўлиб маданий жихатдан бошқача маъно тавсифи хизмат қилади. Масалан, стереотип тасаввурлар, ассоциациялар, турли концептуал ўлчамлар, ифода ва унинг ортида яширинган фикр.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир хорижий тил дарсида маданиятлараро мулоқот масаласи катта аҳамиятга эга ва у замонавий дарсликларда ўз ифодасини топиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Thormann Michael, Konzepte interkulturellen Lernens im Spiegel der Lehrwerkkritik. In: Wazel, Gerhard (Hrsg.) Institut für interkulturelle Kommunikation: Interkulturelle Kommunikation in Wirtschaft und Fremdsprachenunterricht. Frankfurt am Main. Wien u.a.: Lang, 2001. S.117.
2. H.-J. Krumm, M. Ohms-Duszenko, Lehrwerkproduktion, Lehrwerkanalyse, Lehrwerkkritik, in: Gerhard Helbig u.a. (Hrsg.), Deutsch als Fremdsprache. Ein internationales Handbuch 2.Halbband (Berlin, New York: De Gruyter, 2001), 1030.
3. Richter Regina. Diskussion von Lehrwerken, Interkulturelles Lernen im DaF-Unterricht am Beispiel von "Sichtwechsel Neu", „Spielarten“ und „Elemente“. In: Zeitschrift „Deutsch als Fremdsprache“-35.Jahrgang 1998, Heft 1, S.1-64. München, Berlin. Verlagsort. S.45.
4. Leupold Eynar: Das Lehrwerk im Fremdsprachenunterricht noch ein Leitmedium. In:Jung Udo: Praktische Handreichung für Fremdsprachenlehrer. Frankfurt am Main. Wien u.a.: Lang, 2001. S.133.
5. Roche, Jörg: Interkulturelle Sprachdidaktik. Eine Einführung. Tübingen:Narr 2001. S.48.
6. Politzer Robert L., Weiss Louis. The successful foreign language teacher. Philadelphia, 1970. Sanderson, David A., 1982, Modern Language Teachers in Action, A Report on Classroom Practice, University of York/Nuffield Foundation.
7. Neuner, Gerhard. Zur Analyse, Begutachtung und Entwicklung von Lehrwerken für den fremdsprachlichen Deutschunterricht. Berlin: Langenscheidt KG, 1994. S.24.
8. Müller, Bernd-Dietrich 1994. Interkulturelle Kommunikation. Interkulturelle Didaktik. In: Kast, Bernd & Neuner, Gerhard (Hrsg.) Zur Analyse, Begutachtung und Entwicklung von Lehrwerken für den fremdsprachlichen Deutschunterricht. Berlin: Langenscheidt KG.
9. https://jyx.jyu.fi/bitstream/handle/123456789/18586/URN_NBN_fi_jyu-200806105438.pdf